

Ўзбек тили – давлат тили

Ўзбек тили XI асрдан бошлаб мустақил тил сифатида шакллана бошлади ва XIV асрга келиб мустақил ўзбек адабий тили даражасига кўтарилди. Фақат ушбу даврда туркий тил ёки турк тили каби номлар билан аталиб келган. Хозир туркий тилларда сўзлашувчи турк, озарбайжон, казoқ, кирғиз, туркман, татар, уйғур, қорақалпоқ, чуваш, ёкут нуғай ва бошқа халқлар, шу жумладан, ўзбек тилининг аجدодлари XI асргача қадимги туркий тилда гаплашган. Қадимги турк тилида яратилган Ўрхун Энасой ёдгорликлари, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”, Ахмад Югнакийнинг “Хибатул ҳақойиқ” каби асарлари бизгача етиб келган.

Ўзбек тили асрлар давомида жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келди. Бу тилда жуда кўплаб бадиий, илмий, тарихий асарлар яратилди. Ўзбек адабий тилининг ривожланишида буюк шоир, мутафаккир олим Алишер Навоийнинг хизматлари жуда катта. Алишер Навоий ўзининг бадиий ва илмий асарлари билан ўзбек тилининг дунёдаги бой тиллардан эканлигини назарий исботлаб, амалий жиҳатдан асослаб берди. Алишер Навоийгача Ахмад Яссавий, Хоразмий, Қутб Сайфи Сароий, Дурбек, Хайдар Хоразмий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби машҳур сўз усталари ўзбек тилида ижод этишган бўлса, ундан сўнг бу тилда ижод этувчиларнинг сони янада ортиб борди. Ўзбек адабий тилининг ривожиди Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодира, Чўлпон, Қодирий, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қахҳор ва бошқа кўплаб шоир, ёзувчиларимизнинг хизматлари каттадир.

1989 йил 21-октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинди. Ўзбек тилига Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳуқуқи берилди. Хар йили ўзбек тилига давлат тили ҳуқуқи берилган 21-октябрь санаси тили байрами куни сифатида кенг нишонланиб келинади. Ўзбекистоннинг 1991 йил 1 сентябрдан мустақил давлат деб эълон қилиниши билан мазкур қонуннинг даврдан ортида қолаётган айрим моддаларини қайта таҳрир қилишга тўғри келди. 1995 йил 21-декабрда “Давлат

тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Мазкур қонун 24 моддадан иборат. Конституциямизнинг 4-моддасида, тил ҳақидаги қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили эканлиги таъкидланган.

1993 йил 2-сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Мазкур қонунларга биноан Ўзбекистон Республикасидаги барча умумтаълим мактаблари, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртларида 2015 йил 1-сентябрдан давлат тилида янги алифбода ўқиш-ўқитиш ишлари ва иш қоғозлари юритишга тўлиқ ўтилади.

*Ҳарбий юридик йўналишидаги Урганч
академик лицейи Ўзбек тили ва адабиёт
фани етакчи ўқитувчиси*

Раҳманова Дилрабо